**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Ўзбекистон давлат консерваторияси**

**С.М.Бегматов**

# Мусиқий акустика

# Маърузалар матни

**Тошкент - 2008**

***Тақризчи:*** С.ф.д. профессор Ю.В.Кац.

Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат консерваториясида маърузали фанларни муаммоли йўналишдаги маърузалар шаклида ўқитиш йўлга қўйилди. Ушбу маърузалар матнини тузишда ҳам санъат соҳасида, хусусан мусиқа санъатига оид фанларни замон талабидан келиб чиқиб, янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб боришга асосий эътибор қаратилган.

***“Мусиқий акустика”*** ўқув фани бўйича маърузалар мавзуси ва сони жорийдаги ишчи ўқув режасида ажратилган соатларга биноан белгиланган ва ҳар бир мавзуга тегишли матнларидан иборатдир.

ЎзДКнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан кўпайтиришга тавсия этилган (2008 йил, 5 май, баённома № 5).

# КИРИШ

«Мусиқий акустика» фанининг асосий мақсади - бастакор, мусиқашунос, овоз режиссёри бўлиш учун ўқишга кирган талабаларга мусиқани махсус техникалар орқали билимларини кучайтириш ҳамда мусиқий овозларни (табиий овозларни) синтез тариқасида ҳосил қилишда зарур бўладиган билимларни ўргатиш ва техникадан фойдаланиш жараёнида табиий ҳамда замонавий жараённи тўғри идроклай олишдан иборат. Бу фан ўқув режаларига мувофиқ белгиланган семестрда маърузалар тарзида ўтилади ва ихтисослик фанидан белгиланган курсларини янада чуқурроқ, мукаммал ўзлаштириб олишларига назарий ва амалий тарзда катта ёрдам беради.

Таълим жараёнида азал—азалдан, мусиқа илмини эгаллашга жуда кўп уринишлар қилинган. Бунинг асосий сабабларндан бири мусиқанинг сеҳрлилиги ва унинг иясонитга ижобий ҳамда салбий таъсир эта олишида бўлган. Шу боис бўлса керак ўтмиш олиму уламолари, турли фан намояндалари ўз касбларига тегишли тадқиқотлар қаторида мусиқани ҳам турли услубда ислоҳ қилишга уринганлар. Шулардан Арасту, Фисоғурс, ал-Фаробий, Ибн Сино, Хоразмий, ал — Хусайний, Абдурахмон Жомий каби *ўз* замонасининг етук олимлар номларини келтирш жоиздир.

Мусиқий акустика мусиқа санъати тизимидаги фанлардан биридир. Бу фан фақат мусиқашунос композитор-бастакор ва овоз режиссёрлиги бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжаллангандир. Зеро, бу фанда овознинг келиб чиқиши ва уларнинг ижро, чолғу, [3]олат, ижрочи ва жой билан боғлиқ хусусиятларини ўрганилади. Қайд этиш жоизка, бу фаннинг асосчиси биринчи муаллим Арастудир. Кейннчалик унинг таъламотини турли фан намоядалари томонидан ўрганиш одат тусига айланган. Жумладан: физиклар-Товушларни физик ҳолатларини ўрганадилар; Руҳшунослар товушнинг, оҳангнинг инсон руҳиятига таъсири хусусида илмий изланишлар олиб борадилар; Мусиқашунослар мусиқанинг турла жабҳалари хусусида илмий изланадилар.

Фаннинг мавзулари ҳам ана шу тарихий жараёя бнлан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Асосан икки йўналишда иш юритилади. Маъруза йўналишида ва амалий (бевоснта чолғулар балан танишиш, уларни агустик ҳоларларини синаб кўриш, ва ижроларида буни тингллаб кўришдан иборат) Талабаларнинг билимлари текпгириш жараёнида мунозара-суҳбат, рейтинг мапгғулотлари ва семинарлар кўринишида олнб борилади. Дасгур 36 соатга мўлжалланган бўлиб, маърузалар, амалнй машғулотлар, 6 соат семинар ва рейтинг *сўров* машғулотларидан иборатдир. «Мусияий акустака» фани бœйича машғулотлар якуний рейтинг назорати ўтказиш билан тугатилади. Рейтинг шаклларини œёитувчи ўз тажрибасидан келиб чиқиб белгилаши мумкин. Талабалар қуйидаги йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намойиш этишлари зарур:

а) Мусиқий акустика фанини, мусиқий чолғуларнинг акустик жиҳ1атлари тарихи, тузилиши, созланиши, диапозони ва бошқа имкониятлари ҳақидаги назарий ва амалий билимлар;

б) Мусиқий чолғуларнинг табиий ва синтез жиҳатлари ҳақида;

в) Замонавий композиторлик ижодиётининг асосий мезонлари, чолғулардан фойдаланиш услубларига хос маълумотларни ва ҳ.к.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**1-Мавзу: Кириш. «Мусиқий акустика»**

Режа:

"Мусиқий акустика" - фани, курснинг ҳажми, мазмуни, мақсад ва вазифалари. Тавушнинг асосан физик ҳолатига асосланган фан. 36 соат давомида товушнинг келиб чиқиш манбаи, уларнинг хусусиятларини ўрганилади. Товуш — тадқиқот, яъни ўрганиш манбаи сифатида. Товушнинг маълум хусусиятлари, уларнинг асосий кўринишлари: Баланддиги (Н), товушнинг кучи (В), товушнинг давомийлиги (Т) ва барча хусусиятлари заминида ҳосил бўлувчи тембри(С).

Акустика- тинглашга оид фан, - кенг маънода товушларни эластик тўлқинларини (физик ҳолатини) ўрганувчи (бўлим) омил ҳипсобланади. Тор маънода тушунилганда - товуш хақидаги таълимотдир. Умумий ва назарий акустика эластик тўлқинларнинг ҳосил бўлиш ва турли муҳитларда тарқалиш қонунларини, шунингдек, уларнинг муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганади. Мусиқада – асосан товушлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида, якуний мезон ҳисобланмиш мусиқий асарларнинг тараннум жараёнига асосланади.

- Мусиқий акустика фани: 36-соат. 28-назарий ва 8-амалий.

Мазмуни: - Мусиқада асосий мезон бўлган товуш, уларнинг муносабати, ҳажми, тараннум мезони (чолғулар хусусияти) - овоз имкониятлари, диапозон, товуш акс эттириш услублари: тарихий жараён ва замонавийлик жиҳатларини ўрганишдан иборатдир.

-Мақсад ва вазифаси: - Товушларни барча ҳусусиятларини англаш, ҳар қандай акустик шароитда мусиқий сифатларни англаш, турли овозларни хар қандай шароитда тўғри идроклай олишдан иборат.

- Товушларни асосий хусусиятлари:

Товушлар бирон-бир қатиқ ёки юмшоқ тананинг тебранишидан ҳосил бўладиган физикавий ҳодиса.

- Товушнинг акустик хусусиятлари - тебранувчи тананинг ҳажми ва товуш баланд-пастлиги ўртасидаги муносабатлар. (товуш, тон, парда).

Одатда товушларни биз мавжуд сифатлари орқали идроклаймиз: Унга кўра улар: - баландлик (Н); қаттиқлик (В); тембр (С); давомийлиги (Т) каби аниқ жарайнлардан ташкил топган. Мана шундай хусусиятларга эга бўлган товуш – мусиқий товуш ҳисобланади.

Н – Товушининг баландлиги – унинг тебраниш частатасининг ўзгариши билан боғлиқ;

В – қаттиқлиги – унинг кучи билан боғлик;

Тон шу икки хусусият билан характерланади.

Мусиқий товуш таркибин (ички таркибида) кўп миқдордаги тонлардан иборатдир ва уларнинг ҳар бири ўз частоталарига эгадир. Уларнинг миқдори, баландлиги ва қаттиқлик хусусиятларининг уйғунлишида учинчи, яъни умумлаштирувчи тембр сифатини юзага келтиради.

В – Давомийлиги, товушнинг давомийлиги унинг тебраниш амплитудасининг кенг ва равонлигига боғлиқ.

- Инсон қулоғи аниқлашга қодир бўлган энг паст товуш до- суб контур октава 16-герц (Немис олими Герц номи билан аталган). Энг юқориси 15000 – 20000 герцни ташкил этади.

- Эшитиб аниқлашда товуш кучи ҳам муҳим, яъний тингалаб қабул қилиш доираси. Одатла инсон қулоғи тинглаб идройлай оладиган товушларнинг чегаралари мавжуд. Шулардан энг қулайи катта октавалар Соль диездан 4-октава сольгача. Яъний 500 герцдан 4000 герцга бўлган товушларни осонликча идройлай олади. Тинглаш санъатидаҳам муайян тушунча мавжуд. Шу тушунчага кўра товуш Баландлиги Марказдан қанчалик четга ҳаракат қилса шунчалик товуш баландлигини англаш мушикллашаверади. Мусиқада тинглашнинг ўз мезони мавжуд. Бу инсон слухи билан боғлиқ. Одатда инсон слухи бир неча турларга бўлинади. Нисбий слух, абсолют, яъни мутлақ слух ва ички слух.

- Нисбий слух (относительный)нинг бирор бир тонга нисбат бериб аниқланадиган слух тури бўлиб, унинг ўртача, ўрта миёна слух эканлиги номидан ҳам маълум бўлиб туради.

Абсалют - мутлах слух эгалари ҳар қандай товушни нисбат бермасдан, қиёссиз белгиланадиган слухдир. Ушбу турнинг ҳам амалиётда турли ҳиллари бўлади. Товушларни "қоронғу" ва "ёруғлигига" қараб ажратувчилар, махсус чолғуда аниқловчилар ва ҳ.к.

Ички слух. Тасаввур билан боғлиқ бўлганлиги учун бу хусусият ҳам барчага бирдек. Лекин унинг истеъдодга нисбатан ривожланган ва ута таъсирчанлилари мавжуддир. Мусиқачи учун энг муҳим ҳисобланади. Айниқса бу омил ижодкорлар усун жуда қулайдир. Чунки композиторга чолғусиз асар ёзишга қулайлик яратиб беради.

- Қаттиқлик: (Вебер Фихнер 1860 немис олими, сезги органлари физиологиясига оид торларнинг эшитиш, кўриш, тери сезгилари). Товушни тобора қаттиқ чиқариш билан унинг мукаммалигига эришиб бўлмайди,

асксинча инсон ғашига тегиши ва баландлиги ўзгариши мумкин. Товуш қаттиқлигини белгилашда “Децибел”лар қўлланади

(А. Белл (1844 - 1922) – Шотланд. Ақшда биринчи бўлиб телефон учун патент тўланган инсон).

(1000 гц. = 2 окт Е. (энг марказ)) Децибел миқдорининг турлилиги (ҳажми) унинг баландлигига таъсир этади. Қаттиқлик FFF – FF - F. Fp, p, pp, ppp-ижро мезонлари билан белгиланади.

-Бенауральный эфектлар товушни қаердан чиқишини аниқлаш билан боғлиқ илим. Одатда товуш манбаини очиқ жойда аниқлаш осон. Ёпиқ жойда мушкул, сабаби акустика муаммоси мавжуд.

Товуш тембри:

Асосий товуш тебранишидан ташқари чиққан қўшимча овозлар ва тонлар, яъни асосий тонлардир. Жисмлар тебраниши асосида ҳосил бўладиган товушлар оралиғлари обертонлар дейилади. (бўлинма тонлар).

Бўлинма (обер) тонлар асосий товушга қўшилган ҳолда (яхлит бир овоз мажмуи) тембр вужудга келади.

Мусиқий эштиш қобилияти, хотира ва усул сезгиси.

Ижрочилик жараёнида созанданинг лаби, нафас органлари, тили ва бармоқлири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда унинг мусиқий эшитиш тасаввури ҳам фаол иштирок этади. Мусиқий эштиш созандада мавжуд бўлан умумий қобилиятининг етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Мусиқий асар мазмунини ёритишда ижрочи мусиқий товуш билан, гўзал овоз орқали талқин қилади ва тингловчи томонидан тингланилади, яъни қабул қилинади. Бу жараёнда асосий ролни эшитиш ва тасаввурсиз санъатга, мусиқага, хусусан ижрочиликка ошно бўлиш асло мумкин эмас. Чунки мусиқани ҳамма эшитади, аммо уни барча ҳам тинглаб идрок эта олмайди.

Касб нуқтаи назаридан мусиқий эшитиш ҳам икки турга бўлинади: Биринчи ривожланувчи ёки қиёсий эштиш қобилияти созандага бир товушни эшитганда сўнг бошқалари билан таққосланган – қиёсланган ҳолда баландлигини тўғридан – тўғри бошқалари билан таққосламасдан аниқ айта олади. Яъни реал товуш ҳосил бўлмасдан олдин, (нотани кўрса ёки унинг баландлиги номини эшитган заҳоти) мутлақ эшитиш қобилияти созанданинг тасаввурида унинг баландлиги аниқ жаранглайди ва ижрочилик аппаратини ўша товушни ҳосил қилиш учун тайёрлайди.(Бу хусусда юқорида келтирилди).

Ижрочилик тажрибасида мусиқий эшитишнинг бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар:

а) товуш (тембр) тусларини англаш, бундан товушнинг тембрини яъни колоритини, эркак ёки аёл овози, маълум чолғу асбобининг товуши ва ҳ.к. эшитиш кўзда тутилади;

б) ритмик эштиш, бунда усул сезгиси орқали маконда мусиқий характерни пайқаш, яъни овозлар билан унинг чўзимларини мутаносиб ҳолда зарб ва усулларни ҳис қилиш;

в) товуш баландлигини тинглаш;

г) товушқатор ва лад асосларини аниқлаш (гармоник ёки мелодик ва ҳ.к.);

д) нюанс – динамик ўзгаришларни ҳис қилиш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан ташқари инсонда зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) эшитиш қобулиятлари ҳам мавжуд бўлиб, **зоҳирий (ташқари) эшитиш** орқали яккахон созанда, ҳофиз, ансамбль ёки оркестр томонидан ижро қилинган асарни барча жиҳатлари: баландлиги, тембри, усули ва мусиқий матнини, бадиий ифодавий мезонларини англаб олади. Маълумки бундай устозона услуб шарқ халқларида жуда кенг тарқалган бўлиб, қадимдан отадан болага, устоздан шогирдга айниқса мусиқий мерос намуналари оғзаки, яъни эшитиш – тинглаш орқали амалга оширилган ва бизгача етиб келган. Созандани тарбиялашда эса доимо ўзини эшитиш орқали назорат қилиб бориш, бунда товуш сифати, оҳанги (интонация), динамик белгилар (тараннум мезонлари) ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим омиллардан биридир.

**Ботиний (ички) эшитиш**да инсоннинг ички туйғуси, яъни олдин эшитилган, қулоғига таниш бўлган ҳаёлидаги асар кўзда тутилади. Бу ҳиссиёт бешта жиҳатда намаён бўлади:

а) олдин кимнингдир ижросида эшитилган ва хотирага ўрнашиб қолган мусиқий оброзлар;

б) ўзи қачонлардир ижро қилган асар ёки куй қисмини хотирлаш;

в) асарни нотадан чолғу асбобисиз ўқиган ҳолда садоланишини тасавур қилиш;

г) чалиш ёки ўқувчига тушунтириш учун асар ва унинг қисимлари композициясини ҳаёлда шакиллантириш;

д) ижро жараёнида бирданига тайёргарликсиз (экспромт) бадиҳа (импровизация), намуд (кўриниш), авж, (гул партав) ёки янги қисмлар ижод қилиш.

Ботиний ва зоҳирий эштиш йиллар ўтиши билан билим, тажриба, малака ошгани сайин ривожланиб, бойиб, сайқалланиб боради. Шунинг учун ҳам таълимнинг биринчи қадамларидан бошлаб мусиқий эшитишни ва эшитиш назоратини ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Мусиқий хотира –** инсон руҳий жараёнининг муҳим жихатларидан бири ёд олиш ва хотирада сақлаш бўлиб, унинг моҳияти эсда сақлаб қолиш ва зарур пайтда ўша хотирадагиларни маълум бир восита орқали юзага чиқариш – намаён қилишдан иборатдир.

Мусиқий хотира инсонда жуда эрта, яъни она алласи оҳанглари орқалими, балки она қорнидалик пайитиданоқ эс билан боғлиқ жиҳатлар шакллана бошланади. Енгил, эсда сақланадиган, қисқа жумлали, жозибадор, ёрқин куй ва қўшиқлар ёш боланинг мурғак хотирасида доимо муҳрланиб қолади ва бутун умри давомида унга ёшлигини эслатиб туради.

Созандага касбий фаолиятида турли мусиқий тузилма ва шаклларни ёд олиш ҳамда эсда сақлаб қолиш малакалари сингдирилади. Бунда кичкина куй жумлаларидан тортиб токи йирик асарларни ижро қилиш мусиқий хотирани ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Хотиранинг қуйидаги турлари мавжуд:

А) товуш баландлиги, куй, тембри, лад тизими, усули, оҳангдошлиги, куй ва қўшиқ шаклини эсда сақлаш билан боғлиқ хотира турлари;

Б) инсон қиёфаси, табиат манзараси, буюмлар намунаси, бирор образ, нота ёзуви, уларнинг чўзими, туроқланиши ва бошқаларнинг қоғозда – ёзувда, экранда ифодаланиши кўзда муҳирланади ва кўриш хотирасига киради;

В) турли ҳаракатларни эслаб эслаб қолиш ва уни қайтариш (дирижёрлик, рақс, пантомима ва ҳ.к.), чолғу асбобини тана сезги органлари (лаб, қўл ва бармоқлар, нафас органлари ҳаракати ва ҳ.к.) сезиб эслаб қолиниши сезги – ҳаракат хотираси;

Г) эснаш, кулиш, йиғлаш, лаззатланиш, таъсирланиш, эмоция (эҳтирос) туйғуларини эсга олиб ўзида акс эттириш ҳис – ҳаяжон хотираси;

Д) ҳикоя, роман, шеър, мақол, топишмоқ ва бошқалар сўз - мантиқ хотирасига турларига киради.

Хотирани янада мустахкамлаш учун устоз созандалар (Г. Г. Нейгауз) томонидан мусиқий асарни ёд олишда қуйидагича йўл тутилиши уқтирилади:

А) асарни нота билан чолғу асбобида чалиб эсда сақлашга ҳаракат қилиш;

Б) нотасиз чолғуда ёддан чалиш;

В) чолғу асбобисиз нотага қараб кўриш орқали кўз хотирасида мустаҳкамлаш;

Г) нотасиз ва чолғу асбобисиз ҳаёлдан ўтказиш орқали мусиқий хотира мустаҳкамланади.

Мусиқий хотира мустаҳкам бўлиши учун нафақат ақлий хотира (қуввай хофиза), балки, “қалб хотираси” зарурлигини кўпчилик олимлар таъкидлашад.

Усул сезгиси мусиқий асарларнинг тузилишида энг асосий омиллардан бири бўлиб, ижрочилик жараёнида катта аҳамиятга эга. У инсон организми билан табиатдаги ўзаро ўлчов ва ритмик боғлиқлик ҳамда мутаносибликни ифодалайди. Бунда инсоннинг юрак уриши, нафас олиши, қадам ташлаши, ҳиссий (эмоционал) ҳаракат сезгилари табиатнинг барча жиҳатлари билан боғлиқдир.

Усул сезгисини ривожлантириш жуда қийин бўлган қобилиятлардан биридир. Шунинг учун ҳам ўқувчида таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб усул сезгисини тарбиялаб бориш зарур. Бунда берилган куйни хиргоя (сольфеджио) усулида дирижёрлик қилиб куйлаш уларда ҳар бир товуш чўзими ва товуш туроқларининг ташкилий тузилиши (дуол, триол, квартол, секстол ва бошқалар) ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишига катта замин яратади, Айниқса Ўзбекистон давлат консерваторияси илғор сольфеджио ўқитувчиларининг дарс машғулотларида халқ куйлари ва мақом усулларини талабаларга доирада ёки стол четига чертган ҳолда сольфеджио қилиб куйлатиш тажрибалари ритмик жиҳатдан мураккаб бўлган миллий мусиқа ва мақомларни ўзлаштиришида катта аҳамиятга эга эканлигини намоён этмоқда.

Ўқувчиларда ижрочилик вазифаларининг мураккаблашиб боргани сари усул сезгиси ривожлана боради. Бунинг натижасида уларда эркин фикрлаш, асарни ўзича эркин талқин қилишга мойиллик ривожлана боради. Бунда у ўқитувчи ёрдамида **Rubato-** (лотинча- ўғирланган, ноталарнинг чўзиш миқдори аниқ сақланмаган ҳолда ижрочининг хоҳиши бўйича кенгайтириб ёки қисқартириб ижро қилиш) ва **Agogika** -(лотинча –юргизиш, эргаштириш. Мусиқа ижрочилигидаги бадиий ниятни кўзлаб асар суръатини бироз

ўзгартириш, яъни тезлатиш ёки секинлатиш) ўзгартиришларини қўллай олиш малакаларини эгаллайди. Булардан ўзгаришларни қўллай олиш малакаларини эгаллайди. Булардан ташқари ўқувчининг оркестр ва ансамблларида қатнашиши, фортепиано ва зарбли чолғулар жўрлигида ҳамоҳанг бўлиб ижро этиши, ёнидаги жўрнавозни яқиндан ҳис қилиши усул сезгисини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Қайтариш учун саволлар:

1. Мусиқий эшитишнинг қандай турлари бор?
2. Мутлақ (абсолют) эшитиш билан қиёсий эшитишнинг фарқини айтинг?
3. Хотиранинг қайси турларини биласиз?

Таянч тушунчалар

Акустика, эластик тўлқинлар, мусиқий товуш, парда, товушлар – баландлиги, қаттиқлиги, давомийлиги ва тембри, герц, октава, слух, абсалют (мутлақ) слух, нисбий ва ички (ботиний) слух, Децибел, бинауральный эффект, усул ва ҳ.к.

Мустақил иш мавзуси

*1.* Мусиқий акустика ва акустика;
*2.* Товушлар хусусиятлари;
*3.* Слух ва унинг турлари;
*4.* Товуш манбаи (жисми ва ўрни).

Адабиётлар

1. Гарбузов «Музыкальная акустика» М., 1970 .

## 2-мавзу: «Товушлар муносабатлари»

Товушлар муносабаталари - интерваллар, аккордлар. Бирламчи ўлчов товушлар оралиғи ва уларнинг ўзаро муносабатлари Муносабатларда юзага келадиган тафовут ва мутаносибликлар. Товушлар оралиқларини то бора ўсиб бориши. Икки ва ундан *кўп овозли* ҳамоҳанг товушларни қабул қилиш идроклаш. Уларни оралиқ нуқтаи назаридан тушуниб етиш. Товушдарни эшитиш ва тушунтириш турлари: Олимлар Гельмголцнинг мутаносиблик: яъни резонанс (яхши эшитиш) га мўлжалланган назарияси хусусида, Товушларнинг инсон руҳиятига таъсири хусусида Ибн Сино таълимоти ва немис физик олими Штумф назарияси. XX асрда бунёдга келган ижодиёт мезонида асосий тон муаммосига бағишланган Хиндемит назарияси.

Маълумки, муносабат ҳаётнинг ҳар бир онида асосий мезон сифатида белгиланган. Ҳар қандай амал – муайян муносабатнинг маҳсули ҳасобланади. Мусиқанинг асоси товуш, лекин товушлар муносабати асосида оҳанг вужудга келади. Оҳанг эса жуда кўп жиҳатли, кўп хусусиятли ва кўп сифатлилиги барчага аёндир. Шу боис ҳам муносабт мезонлари мусиқада жуда муҳимдир. Уларнинг ҳар бир аракаби муайян бир маъно касб этади.

Мусиқада товушлар муносабати деганимизда икки товушнинг ижрочи деб тушуниш лозим. Мусиқада бу мезон, яъни икки товушни оралиғи интервал деб юритилади. Акустикада эса бу тон турларининг частоталарини ўзгариши демакдир. Яъни товуш баландлигини ўзгаришидир.

Илмда ўтмишдан бир қатор олимлар бу масалани турлича йўллар билан ечишга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир олим ўз йўналишига асосланган. Лекин, муаммо бир ва унинг ечимидаги асосий омил ҳам бирдир. Шу нуқтаи назардан мусиқа ва бошқа соҳанинг қиёсий тадқиқи хусусида Ўрта асрларда яшаб ижод этган 2-муаллим Ал Фаробийнинг кузатувлари бизга мосдир.

- Фароби ўз тадқиқотларида мусиқани адабиёт билан қиёслайди.

Фаробий мусиқа илмини илк бор тадқиқ этган алломадир. Унинг тадқиқотлари аниқ фан яъни математик ўлчовларга асосланган. Шу боис унинг тадқиқотларини бошловчи ва келгусилари учун асос сифатида қабул қилинган. Фаробий мусиқани таркибий жиҳатларини адабиёт таркиби билан қиёслаб ўрганади.

Масалан: адабиётда бирламчи жараён **ҳарфдир**. Мусиқада эса **товуш. Иккинчи жараён: адабиётда – сўз, мусиқада эса интервал. Учинчи жараён: адабиётда жумла - мисра - байт, мусиқада оҳанг-куй. Тўртинчи жараён: адабиётда қасида ёки шеърлар** мусиқада асар ва ҳ.к.

- Товушдан келиб чиқадиган нағма.

Интервал ҳосил бўлиши: Тебранадиган тананинг ҳажми, миқдорини ўлчашдан келиб чиқади. Бу ўлчамларнинг эквидистант услуб. (экви - ўлчаш, дистант - масофа) баланд пастлигини (ўлчаш) белгиловчи омиллар турлича: торли чолғуларда тор узунлиги ва йўғонлиги; пуфлама чолғуларда: чолғу танасининг қувурлари (отверсия) узунлиги, бўйи ва эни, - Энг муҳими узунлиги. Ҳар бир чолғунинг товуш манбаи ўлчанади.

Товушлар муносабатини қабул қилиш;

Юқори товуш частотасининг пастки товушга муносабати қанчалик кўп бўлса шунчалик улар оралиғи ва баландлиги фарқланади. Тговушлар муносабатлари, ёки оралиғларини Интервал коэфиценти дейилади. Интервалнинг прима, секунда, кварта, квинта ва интервал коэфицентлари: $^{1}/_{1}$, $^{16}/_{15;}$ кварта $^{4}/_{3}$, квинта: $^{3}/_{2}$. ($^{4}/_{3}\cdot{}^{3}/_{2}={}^{2}/_{1}$\ квинт·квар=окт.)

Эшитишда товуш қанчалик кучли бўлса шунчалик тинглаш ва аниқлаш давомий ва осон кечади.

Масалан: 200 гц = 80 дб олдида 800 гц - 70 дб товуш эшитилмайди. Шу боис симфоник оркестри дирижёрлари бунга катта эътибор берилади.

- тон совпадение, яъни тўғри келиб қолган тон

М: до = соль = до

квинта кварта

Асосий босқич билан боғлиқ муаммоли жараённинг қайта исботлашга уринган немис композитори Паул Хиндемит асосий тон хусусида алоҳида бир талимот яратади. П. Хиндемитнинг ушбу таълимоти фанда “учение о композиции” деб юритилади (Проблема основного тона): Яъни, мусиқий асарларда тоналлик тамойилларини (тональный принципни) ҳимоя қилишга бағишланган.

Мусиқада тоналлик тизимининг уйғунсизлиги, неоклассицизм йўналишига хас услублар муайян даврда кенг оммалаша бошланди. Бу нимага олиб келади? Аслида ҳал қандай мусиқанинг ички таркибий жиҳатлари мавжуд. Уларнинг муайян қонуниятлари шаклланган ва уларга доимо асосланиб келинади. Бу йўналишда ана шу мусиқанинг айрим қонаниятларида вос кечилганлиги яққол намоён бўлиб туради. Шуларнинг орасида энг муҳим бўлган мезон – бу тоналлик тамойилидир. Тоналлик тамойилини мусиқий асар учун нечоғлик муҳимлиги ва усиз шаклнинг назорати вҳамда асарнинг турларини белгилаш мушкиллиги яна қайтаданг англанилди. Шунга биноан П.Хиндемит ўзининг таълимотини яна қайта амалиётга жорий қилади. Чунки, тартибсизлик мусиқанинг моҳиятини сусайтиради, акустикада оҳангдош товушлар муносабати муҳимдир.

Таянч тушунчалар

Муносабат, интервал, мусиқий тон, товушлар частоталари, товуш-ҳарф, нағма, эквидистант, Герц, Дицебал, Хиндемит, асосий тон, неоклассицизм, додекафония, товуш манбаи ва ҳ.к.

Мустақил иш мавзуси

1. Товуш ва уларнинг турлари;
2. Икки ва ундан кщп товушларнинг уй-унлиги;
3. Оралиқ тушунчаси ва унинг турли соҳалардаги ифодаси;

Эшитиб идроклаш ва тушуниш мезонлари.

Адабиётлар:

1. Гарбузов «Музыкальная акустика» М., 1970.

## 3-мавзу: «Мусиқий чолғуларнинг истеъмолдаги акустик асослари».

Мусиқий чолғуларнинг шаклланиб амалиётда яратилиш мезонлари. Уларнинг аввало табиий жараён, миллий жараён билан боғлиқлаги, авлоддан — авлодга ўтишининг асосий моҳияти, мезони, миллий жараён ва қадрият талабига жавоб бериши. Товушларнинг табиий кўринишига мутаносиб тарзда тараннум этиши. Замонавий ва халқ чолғуларининг акустик, яъни овоз тараннумига тегишли асосларини ўрганиш. Уларнинг асл ҳоли ва ижродаги ҳолатларини аниқлаш ва идрок этиш. Турли хусусиятга эга бўлган чолғуларнинг овоз чиқаришларидаги тебраниш турлари, турли муҳитларда ўтказилган тажрибалари. Товушлар жаранги жараёнида бевосита уйғунлашадиган турли қўшимча шартлар.

### Истеъмолдаги (амалиётдаги) мусиқий чолғуларни акустик асослари.

Мусиқий чолғуларнинг шаклланиш жараёни инсониятнинг ҳаёти давомидаги ривожи ҳамда интелектуал баркамоллик мезонлари билан изоҳланади. Уларнинг яратилиши, амалиётда синалиши ва инсоният томонидан қабул қилиниши даражасида мукаммаллик эришган чолғуларни биз айни пайтда амалиётда кўриб турибмиз. Ўтмишда чолғу созларнинг мингдан-минг турлари яратилган, ижрочиликда қўлланилган. Лекин, улар орасида ўзининг катта имкониятларга эгалиги билан, ўзига хослиги билан, уйғунлик хусусиятларига эгалиги билан, мураккаб ва ўз ўрнида қулайлиги билан, инсон ҳаётига зарурлиги билан аҳамият касб этган чолғулар авлодлар томонидан такомиллашшиб, асраб-авайлаб келинаётганини эътироф этиш лозимдир.

Мусиқий чолғулар ўз хусусиятлари доирасида бутун жаҳон халқлари амалиётида деярли бир хил жиҳатларга асосланади. Лекин уларнинг имконият даражалари жиҳатидан бутун дунё халқларига ўрнак бўла оладиганлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳар қандай мукаммал чолғунинг умумбашарият миқёсида кенг оммалашиши ҳайратланарли эмас. Балки ривожланиш унсурларини кўрсатувчи сифатлари десак ҳам тўғрироқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан мусиқий чолғуларни амалиётда икки улкан турга бўлишади. ***Биринчиси – бу ҳалқ миллий чолғулари, иккинчиси эса – профессионал мукаммал (академик) чолғулар.*** Буни биз бир кўришда Катта симфоник оркестри таркибига кирган чолғулар сифатида тасаввур этамиз. Мусиқий акустика фани ҳам асосан умумбашарият мумтоз (профессиолнал) мусиқанинг еракчи ижромажмуи бўлмиш симфоник оркестр таркибидан жой олган чолғуларни гуруҳлар кесимида, алоҳида-алоҳида тузилиши ва товуш манбаини идроклашга мўлжалланган.

Симфоник оркестрининг чолғуларидан ташқари ўзбек халқ чолғулари (энг мукаммал миллий созлар) дан ҳам айрим чолғу намуналар мусиқий акустик жиҳатлар томонлама ўрганилади. Одатда, мусиқий чолғуларнинг ер юзида пайдо бўлиб ривожланиши қуйидаги тартибга мосдир. Яъни, аввало урма чолғулар, дамли чолғулар ва сўнгра торли чолғулар пайдо бўлиб истеъмолга

кирган. Кашф этилган ҳар қандай чолғу ривожланиш жараёнида мукаммаллик жиҳатларни ўзида мужассам этгандан сўнг уларнинг ўрни алмашади. Яъни, гуруҳлар кўринишида, имконият даражаларига қараб турланадилар. Унга кўра торли чолғулар гуруҳи етакчилик қилади. Демак:

Ҳозирги даврга келиб мусиқий чолғуларнинг мавжуд бўлган қуйидаги гуруҳлари амалиётда қўлланилади. Барча замонавий чолғуларнинг ҳам инобатга олиб уларни тўртта асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Торли чолғулар;
2. Дамли чолғулар;
3. Урма чолғулар;
4. Электрон (замонавий техник ва рақамли) чолғулар.

Чолғуларнинг ҳар бир гуруҳи ўз таркибига, аввало ижровий хусусиятлари, сифатлари билан турдош бўлган чолғу созларни қамраб олган.

1). Торли чолғулар симфоник оркестрнинг асосий бидиий кучи сифатида гавдаланади ва ўз ўрнида ички (шаклар, услубан, ижро воситасига биноан ва ҳ.к.) хусусиятлари асосида иккита бўғинга бўлинади:

а) - Камонли чолғулар;
б) - Чертма чолғулар.

2). Дамли чолғулар ҳам ўз ўрнида ижровий жиҳатларидан келиб чиқиб икки турга бўлинади. Бу мукаммаллик даражасига таъсир этмаган ҳолда ажратилади:

а) - найсимон чолғулардан;
б) - найпачоқ тилли чолғуларга.

3). Урма чолғуларнинг турлари кўп бўлган. Урма чолғуларнинг келиб чиқишига кўпроқ ҳаётий амаллар билан боғлиқлиги эътироф этилиб келинган. Шу боис урма чолғулардан инсон ҳаёти фаолиятларида кенг фойдаланилади. Симфоник оркестрда деярли 30 дан ортиқ урма чолғулар қўлланилиши барчага аёндир. Уларни ўзаро ички турлашда уч бўғинга бўлиш мумкин:

а) - торли урма чолғулар;
б) - идеофон урма мусиқий чолғулар;
в) - пардали мембранани чолғулар .

4). Замонавий кашфиётлар билан боғлиқ электрли чолғулар. Айни пайтда мусиқий чолғуларнинг барчасини электрон намуналари мавжуд бўлиб, ижрочилик амалиётида кенг фойдалинилади.

- Э.Хладни тажрибаси: идеофон ва Гемиидеофон.

**а) (Сим) торларнинг тебраниш қонуниятлари.**

1). Қанчалик тор таранг тортилса унинг тебраниши шунчалик тез.

2). Узликсиз ва тортилиш жиҳатидан бир хил, лекин унинг йўғонлиги фарқли томонини билдиради.

Тор қанчалик йўғон бўлса шунчалик паст ёки секин овоз тараннум этади.

3). Турли материаллардан қилиниб бир хил тортилган бир хил йўғонликдаги торлар ҳам турлича янграйди. Зеро, қаттиқ ва оғир материаллардан қилинган тор паст овоз беради.

4). Қаттиқлик хусусият овоз ўзгаришининг асосидир.

**б) Урма чолғулар.**

Бу хилдаги чолғуларда овоз чиқариш манбаи зарбдир. Зарбанинг аниқлиги ва маълум нуқтага эгалиги унинг тембр жиҳатдан баланд пастлигига асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, чолғунинг овоз имкониятларининг асоси сифатида унинг яратилиши учун асос бўлган материаллар, шакллантириш мезонидаги физик ва математик нисбатларнинг мутаносиблиги ва ҳажми муҳим аҳамият касб этади. Масалан:

1). Терининг қалин-юпқалиги.
2). Тери қопланган гардиш диаметрининг кенг ва қисқалиги.
3). Парда тортилиш ҳолатининг таранг ёки акси.
4). Овознинг тез йўқолиши ва сақланиши.
5). Фақат литавра созланган товуш беришга қодир.

Таянч тушунчалар

Торли, дамли, урма, ёғочли дамли, идеафон, мембранафон, найсимон,найпачоқли (тросли), мунштукли, лабиал, симли, ичакли, камонли, чертла, чертма-урма ва ҳ.к.

Мустақил иш мавзуси

1. Чолғуларнинг гуруҳлашдаги асосий мезонлар.
2. Профессионал ва халқ чолғуларининг асосий фарқлари.
3. Толри ўзбек халқ чолғуларининг турланишлари.
4. Урма чолғуларнинг профессионаллик даражаси.
5. Мусиқий чолғулар учун ишлатиладиган табиий ва сунъий материаллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Адабиётлар

1. Гарбузов «Музыкальная акустика» М., 1970 .
2. Атлас музыкальных инструментов народов Мира,
3. Петросянц А. Инструментоведение

## 4-мавзу:
## Алоҳида гуруҳий чолғуларнинг акустик (характеристкаси) тафсилоти

“**<u>Мусиқий чолғуларнинг акустик нуқтаи назаридан гуруҳлиниши ва уларнинг тафсилоти</u>**». Мусиқий чолғулар табиатан турли тембли бўлади. Ҳар бир чолғу шаклланиши ва соз сифатида ўзига хослиги билан ажралиб тураиши муқаррардир. Улар табиатан бир неча гуруҳларга бўлинади. Уларнинг гуруҳланишлари асосан икки хусусиятларига караб амалга оширилган. Шу боис ҳам амалиётда азалдан гуруҳланиш мезони асосида барча замонавий ижрочи жамоалар шаклланган. Мусиқий чолғуларнинг гуруҳлари оиласимондир. Жумладан: пуфлама чолғулар. Барча пуфлаб ижро этиладиган чолғулар киради. Лекин ўзаро улар ҳам турларга бўлинади. Найсимон ва найчали чолғулар. Ёки урма чолғулар. Улар ҳам пардали ва пардасиз каби турларга бўлинади. Урма чолғулардан: Дойра, ноғора, қўш ноғора, доул, ксилафон, металлафон, челеста, треугольник, тарелки, гонги, там—там, тимпани, литавралар ва бошқалар.

### Урма чолғулар:

Замонавий симфоник оркестри таркибида тузилиши, шакли ва кўриниши билан турли акустик садога эга бўлган чолғулар қўлланилади. Уларнинг тебраниш услуби асосида икки турга бўлиш мумкин: -Ўзи садо берувчи тана (идеофонлар); -Садоланмайдиган (садосиз) чолғулар.

1-гуруҳ: ксилофон, треугольник, металлофон, колоколья, гонки, тарелки, кастаньеты, турли хлопушкалар, трощетки, погремушки ва ҳ.к.

2-гуруҳ: думалоқ ва тери билан қопланган чолғулар киради. Барабанлар, литавралар, доира, бубен, фортепиано.

I. а). **<u>Ксилофон:</u>** Хроматик тарзда жойлаштирилган овоз таркибига эга бўлган урма чолғу. Дарахт парчаларидан тайёрланган тахтачаларни икки четида юмшоқ ёстиқчаларга ётқизилади ва тахта таёқчалар билан чалинади. Овоз тез ўчади. Сабаб тахтани қаттиқлиги ва тебраниш мезонинг қисқалигидир. Овоз-қуруқ ва бўш. Ўткир тембр, бошқа чолғулардан тез ажратиш мумкин.

**<u>Треугольник:</u>** Тенг уч бурчак кўринишида эгилган метал таёқча. О кин, баланд ва ўткир, муайян баландликсиз. Унинг эгилганлик хусусияти асосий товушни обертон ва чўзиб туриш хусусияти билан бойитади.

в). **<u>Металлофон:</u>** Пўлат (Сталл)дан ясалган тўғри қиррали пластинкачалар мажмуи. Метал пластинкачилар кетма-кет хроматик баландлиларига қараб тузилади. Унинг ижросида тахта-таёқча, пластмасса таёқчаларидан фойдаланилади.

Ксилофондан метоллофонни фарқи, -товуш чўзими кўпроқлилигидадир. Сабабларидан яна бири, металларнинг ички ишқаланиш хусусиятлари чўпга нисбатан камдир.

Металлофоннинг овоз имкониятлари ва уларнинг тараннум жиҳатлари ўзига хосдир. Овоз-кичик қўнғироқчалар (колокольчиклар) овозига ўхшаб

кетади. Унинг кўп обертонлари кучсиз ва тез сўнади, (кичик октава)да кескин таралиши билан ажралиб туради.

г). **Челеста:** Металлофон чолғусининг ўзи, фақат унга овоз таралишини узайтириш мақсадида қўшимча дималоқ трубкалар ўрнатилган. Трубкалар метал пластинкалардан таралаётган товушни сақлаш ва узайтириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга чолғуга яна бир мослама, яъни овозни сўндирадиган ускуна ҳам ўрнатилган. Овоз сўндирадиган мослама ижро жараёнида чолғу овозининг бошқариш учун хизмат қилади.

Челеста ўзининг овозини ўта юмшоқлиги ва тозалиги билан ажралиб турадиган чолғудир.

д). **Тарелкалар:** Думалоқ металл пластинкалар. Одатда мис, бронзадан тайёрланади. Бронзадан тайёрланадиган тарелкалар, одатда, уларнинг диаметри (айланма ҳажми) 0.3-0.5 метрда бўлади. Қалинлиги эса 1.5-2.0 мм ўртаси ҳажми ва шаклига қараб олинади. Шакл ярим ой симон бўрттирилган бўлиб ўртасида кичик тешикчаси мавжуд. Тешик махсус бўлиб унга теридан тайёрланган тасма боғланади. Бу мослама чолғуни ушлаб ижро этиш учун мўлжаллангандир.

Овоз: муайян баландсиз, кучли ва кескин, бақироқ (шовқинли) ўрта-ва юқори частоталилиги билан ажралиб туради.

Якка тарелкалар тарли жисмлар билан ўралган таёқчалар билан ижро этилади. Уларнинг характерига қараб таёқчалар мослаштирилади. Масалан, юмшоқ таёқча (колотушка) билан чалинса тинч ва муайян овоз беради. Унинг овоз тараннуми кучсиз қўнғироқ (колоколсимон) кабидир.

Овоз тараннум этувчи тарелкалаларни ясашдаги ички яширин шакллар мавжуд. Ҳар бир тарелканинг ички таркибий шакли мавжуд. Бу шакллар физик хусусиятлар доирасида чизилади ва шунга мос ҳолда тарелкалар ясалади. Тарелкаларнинг ҳам махсус қўлда ясаладиган турлари мавжуд ва умумий қуйма тарелкалар мавжуд.

е). **Гонг (там-там)** - тарелкани акси. Текис ва чеккаси букилган ҳолга эга (сковороткасимон). Ижро пайтида чеккасидан осиб қўйилади. Юмшоқ головкали урғич билан чалинади. Одатда гонгилар бронза метариалидан тайёрланди ва тобланиб қўлда ясалади. Чолғунинг овоз тараннуми жуда секинлик билан сўнади. Чолғу шуниси билан бошқа урма чолғулардан ажралиб турали. Унинг тараннумидаги овоз ҳам жуда кескин эмас, балки нисбатан юмшоқдир.

Чолғу овозининг баландлиги муайян бир тонга эга эмас, яъни аниқ тонга эга эмас. Тебраниш частоталари асосан паст ва ўртача (уровень) га тўғри келади.

ж). **Колокол:** Асосан бронза материалидан қуюлган ҳолда тайёрланилади. Чолғу қалин баданга эга бўлиб, тарелкалар ва гонгдан фарқи, махсус формаларда қуюлганидан сўнг уни махсус услубда, уриб текисланмайди. Яъни пардоз ишловлари берилмайди. Чолғунинг энг марказий қисми, яъни юқори нуқтада тебранишни ҳосил қиладиган жойи асосий жойи ҳисобланади. Колоколнинг ижроси учун қўлланиладиган ургич юмшоқ чўян ёки бронзадан ясалади.

з). **Костаньетталар:** - бир дастага бойланган икки ёғочли қаттиқ пластинкачаларнинг мажмуи. Асосан шовқинли тембрга эга бўлиб, унинг асосан қуруқ, чертма овоздир. Костаньетталар асосан халқ ижодиётини тасвирлаш, миллий мезонни ифодалашпайтларида қўлланилади.

и). **Тубафон:** - хроматик тарзда равон кесилган метал трубачалар. (ксилофонсимон)

к). **Тубали қўнғироқчилар (колокола):** Оркестрда қўллаш учун қулай шакл ишланган бўлиб, улар узун трубкасимон шаклга эгадир. Уларнинг овоз имкониятлари асл колоколаларни асл овозини бермасада, уларга анча яқин овозни ташкил этади. Колоколага нисбатан кучсиз лекин кутилган характердалигини эътироф этиш лозимдир. Одатда трубкачалар пўлат (стал)дан ясалади ва хроматик ҳолатда созланади.(Ҳар бир трубкачалар алоҳида овозга эга). Овоз жуда бой-қўнғироқча тақлид этгандек янграйди.

л). **Литавралар:** - катта қозон шаклига эга бўлган урма ва созланувчи мусиқий чолғу. Одатда литавралар қуйма ҳолда ишланади. Унинг материали мисдан ясалади ва қозон кўринишини эслатади. Чолғунинг устки қисми тери билан қопланади. Ҳозирги прайтда бу терилар махсус пластик материаллардан тайёрланилади. Литавралар турли хусусиятга эга бўлган ургичлар билан чалинади. Улар юмшоқ головкали, қаттиқ, сшёткали ва ёғочли бўлиши мумкин.

Бошқа урма чолғуларга қараганда литавраларнинг товушлари аниқлитги билан ажралиб туради. Асосий сабаб резонаторлари махсус васозланувчи чолғудир. Бир октава диапозонга эга.

Литавранинг асосий акустик ҳолати:

- теридан чиқадиган асосий товуш;
- қозон ичида сақланадиган асосий товуш ҳажми;
- қозон деворидаги асосий товуш.

Агар ҳар уччала мезон бир-бирига мутаносиб келиб, бир-бирига тўғри келса, унда бу чолғунинг жуда муносиблигини белгилайди. Лекин, амалиётда литавраларнинг қуйилгандан сўнг бу мезонларни бир-бирига мутаносиб келиши жуда кам учрайди. Литавраларнинг овоз тараннуми жуда катта, кенг ва забардастдир.

Қайд этиш лозимки, литавраларнинг урадиган урғич материалининг ўзгаришида ҳам овоз ўзгаради.

**2) Барабан.** Литавранинг акси. Баландликсиз бўғиқ овоз тараннум этади. Унинг вазифаси юзасидан энг масъулиятлилик, яънинг катта урға унинг зиммасидалиги билан ажралиб туради. Чолғу катта юмалоқ кўринишга эга. Ҳар икки томони тери билан қопланган. Ҳар икки томони ҳам ижро учун мос. Овози ўрта ва паст баландликни ташкил этади. Муайян баландлик йўқ.

**3) Кичик (ҳарбий) барабан.** =цилиндрсимон ва икки томонлама тери билан қопланган урма зарбли чолғу. Пастки томонидан 2-4 та пружина тортилган. Пружиналарнинг вазифаси зарбни миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади. Яъни, юқори терига урилган зарбадаги пружиналар терига нисбатан тебраниб (доимий) товушга қуруқ (чарсиллаш) ёрма эфект беради. Ўз ўрнида чолғуларнинг бу ҳолатда қўлланиши кескинлик касб этувчи тембр бибан таъминлайди.

**<u>4) Барабан бонг</u>** - тахта халқанинг бир томонига тери тортилган. (1-метр диаметрдан кенгроқ бўлиши мумкин). Катта барабанга ўхшаш юмшоқ урғич билан чалинади. Барабан бонгнинг овоз имкониятлари жуда кенг. Тембр нуқтаи назаридан катта барабан билан мутаносиблигини кўриш мумкин.



**Мавзуга қўшимча**

**Маълумотлар.**

**ЗАРБЛИ ЧОЛҒУЛАР**

